

ЎЗБЕК ТИЛИ

5-синф

2-вариант

1. Сифат ясовчи қўшимчалар олган сўзлар қаторини топинг.

- А) Андижонлик, серсавлат, сувлик
Б) Ёзги, супурги, қишки
В) Касал, бебахт, бодомқовок.
Г) Бақувват, тухумсимон, қишки.
Д) Ҳаракатчан, меҳнатқаш, юмалоқ.

2. Антоним сифатлар иштирок этган гапни аниқланг.

- А) Ўйламай қилинган иш, бошга келтирар ташвиш.
Б) Иш суръати тобора жадаллашмоқда
В) Аччиқ савол бериб, ширин жавоб кутма
Г) Унинг ўзи ёш, иши эса пухта эди.
Д) Яхши дам меҳнатга ҳамдам.

3. Озайтirma сифатларни аниқланг.

- А) Сарғимтир, оқиш, кўкимтир.
Б) Сап-сарик, қизил, ширин.
В) Ақлли, ювош, мўмин.
Г) Оқ, тўқ қизил, кўкиш.
Д) Ширин, ўта жозибали, сарғиш.

4. Сифат қатнашган гапни аниқланг

- А) Боғда ҳашарчилар ишлаётган эдилар.
Б) Самиди гулзор оралаб гуллар терди.
В) Шоҳида тез-тез босиб кетди.
Г) Саёҳатга бормоқчимиз.
Д) Яхши билсанг ишингни, Яхшилар силар бошингни.

5. Ҳажм-шакл билдирувчи сифатларни аниқланг.

- А) Сарик, пушти, қирмизи, тарғил.
Б) Ширин, аччиқ, нордон, шўр.
В) Улкан, баланд, юмалоқ, ясси.
Г) Кенг, катта, тахир, чучук.
Д) Қирмизи, баланд, думалоқ, кўк.

6. Ортгирма даражадаги сифатлар қайси ўринда жойлашган.

- А) Қоп-қора, энг баланд.
Б) Куюнчак, сезгир.
В) Билагон, ширин.
Г) Оғирроқ, ним ранг.
Д) Қорамтир, сарғиш.

7. Ясама сифатлар берилган жавобни кўрсатинг.

- А) Яхши, улуғ, аччиқ.
Б) Кузги, бамаъни, бефаҳм.
В) Гўзал, майин, аҳил.
Г) Ширин, зўр, чиройли.
Д) Ботир, оғир, серсув.

8. -ли,-дор, сер-, -сиз, , ба-, бе-, -лик қандай қўшимчалар?

- А) От ясовчи
Б) Сифат ясовчи
В) Сон ясовчи
Г) Феъл ясовчи
Д) Равиш ясовчи.

9. Феълнинг ноаниқ шакли берилган қаторни аниқланг.

- А) Ўқимоқ, ёзмоқ, ухламоқ
Б) Ўқиган эди, ўқиган экан, ўқиган эмиш
В) Келди, келаёттир, келар
Г) Борайин, айтайин, айтса
Д) Ўқибман, ўқибсан, ўқибди

10. Отдан сифат ясовчи қўшимчаларни аниқланг.

- А) –ла, -гич, -оқ, -да.
Б) –ди, -сиз, сер, -симон.
В) –иш, -зор, -истон, -а.
Г) –дай, -қич, -хон.
Д) –лоқ, -чоқ, -қ.